

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРМЕТОВА НАРГИЗА КОМИЛЬДЖАНОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ  
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
pedagogical Sciences**

**Эрметова Наргиза Комильджановна**

Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Эрметова Наргиза Комильджановна**

Совершенствование механизма организации маркетинговых услуг в повышении эффективности управленческой деятельности руководителей общеобразовательных школ ..... 21

**Эрметова Наргиза Комильджановна**

Improving the mechanism for organizing marketing services in increasing the efficiency of management activities of heads of general education school ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 45

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРМЕТОВА НАРГИЗА КОМИЛЬДЖАНОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ  
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ  
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филсофи доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2651** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **А. Авлоний** номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Пахрутдинов Шукритдин Илёсович**  
слёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Халиков Аъзамжон Абдусаломович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Назарова Фотима Хакимовна**  
истисод фанлари доктори, профессор

Ўтказчи ташкилот:

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси **А. Авлоний** номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc-28/30.12.2019.Ped.68.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23 декабрь» кунини соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация билан **А. Авлоний** номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин. 06.8.21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2021 йил «10 декабрь» кунини тарқатилди.  
(2021 йил «10 декабрь» даги 14 - рақамли ресстр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**М.А. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*  
**Ф.Э. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, с.ф.д., доцент

*[Handwritten signature]*  
**М.Т. Мирсолиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис в.б., п.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичида иқтисодий ривожланган мамлакатларда таълим муассасаларни ташкилий жиҳатдан мувофиқлаштириш ва стратегик ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Айниқса, замонавий шароитда таълим тизимида шахс имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳар доимгидан ҳам кўпроқ инобатга олиш зарур. Мазкур зарурат ўрта таълим тизимида давр талабларига тўла жавоб бера оладиган, рақобатбардош ва малакали раҳбар кадрларга ортиб бораётган эҳтиёжлар, уларнинг бошқарув компетенцияларини доимий такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Шундан келиб чиқиб, халқаро тажрибалар маркетинг хизматларини жорий этиш орқали умумий ўрта таълим тизимида бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи мамлакатлари таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларига асосланган ҳолда таълим хизматларини стратегик режалаштириш ва бошқариш ҳисобига таълим муассасаларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган турли илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Мазкур тадқиқотларнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактабларида маркетинг хизматларини такомиллаштириш орқали раҳбар ходимларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш «Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этишга боғлиқ»<sup>1</sup>. Ҳозирги даврда республикамиз иқтисодиётининг мунтазам равишда барқарор суръатлар билан ривожланиб бориши хўжалик субъектларининг инновацион фаолигини оширишга асосланган тизимли узвий тараққиёт босқичига ўтишни амалда талаб этмоқда. Бу жараён иқтисодиётнинг таълим тузилмасидаги ўзгаришларнинг кўрсаткичларида ўз аксини топмоқда, ҳамда бозор муносабатларининг амал қилиши шароитида таълим соҳасида хизмат кўрсатишни реструктуризация қилишнинг объектив зарурати юзага келмоқда. Шунга кўра, маркетинг хизматлари «... ёшларни мақсадли тарбиялаб бориш, уларни мактаб давридан селекция қилиш, кейинчалик олий ўқув юртларига қамраб олиш бўйича самарали механизмни жорий этиш, халқ таълими тизимида ўқув жараёнига мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Мазкур вазифалар мактаб таълимида маркетинг хизматлари фаолиятини татбиқ этиш, умумий ўрта

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалалари»га бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиш маърузаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси 34-сон баёни, 2019 йил 23 август.

таълимда ташкилий-бошқарув механизмларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги пайтларда давлат ҳамда хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан таълим тизими раҳбар кадрларининг бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда таълим муассасаларида маркетинг хизматларини жорий этиш механизмлари у ёки бу жиҳатдан изчиллик билан ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз олимларидан Г.Н.Ахунова, С.С.Ғуломов, Д.Н.Раҳимова, М.Х.Саидова ҳамда М.М.Ташходжаев таълим тизими, таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили, меҳнат бозори сегменти ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларини ўз ишларида тадқиқ этган бўлса, Р.Джураев, Ж.Ғ.Йўлдашев, У.Иноятов, М.Мирсолиева, С.Турғунов, М.Юлдашев, Ш.Қурбоновлар таълим тизимини бошқариш, раҳбар ва педагог кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш, таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш, таълим тизими ходимларининг фаолияти, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалаларини ўрганганлар. Г.С.Саъдуллаева, А.А.Солиев, С.А.Усмонов, Ш.Д.Эргашходжаева каби олимлар таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили, таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси, инновацион маркетинг ва меҳнат бозори сегменти борасида илмий изланишлар олиб борган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида маркетинг хизматларининг назарияси, методологияси, ўзига хос хусусиятлари, таълим хизматлари маркетингининг концепцияси, қонуниятлари борасида Р.М.Аминов, И.В.Андреева, Г.Л. Багиева, Г.Балыхин, И.Н.Березина, Л.И.Бойко, В.М.Демина, В.М.Заборова, И.В.Захарова, И.Н.Иванова, Е.Е.Лагутина, В.С.Лазарев, Н.П.Литвинова, О.О.Мартыненко, А.М.Новикова, А.П.Панкрухин, Ф.К.Перегудова, И.К.Романова, О.В.Сагинова, Л.Ю.Шемятихина каби олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Хориж олимларидан M.Gordon, J.R.Evans, R.Kaplan, G.Lettau, R.Nelson, R.Thompson, W.Sarges, S.Winter каби олимлар таълим хизматларининг ташкилий-методологик ёндашувларини, назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганганиб, илмий-методологик асосларини ишлаб чиқишган. J.Burnett, E.Dihtl, P.Drucker, J.Egan, B.Gardner, E.Grafton, Ph.Kotler, Ch.Lovelock, J.Lambin, E.D.McGarry, S.Moriarty, M.E.Porter каби олимларнинг илмий изланишларида маркетинг стратегияси ва хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлари ўз аксини топган.

Мавжуд тадқиқотларнинг таҳлили умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш масаласи етарли даражада ўрганилмаганлигини, бу борада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Халқ таълими тизимидаги методистлар, мактаб директорлари ва синф раҳбарларининг малакасини ошириш таълим мазмунини такомиллаштириш» доирасидаги «UPGRADE» амалий лойиҳаси ҳамда UNICEF гранти асосида «Халқ таълими ходимларининг малака рамакасини ва касбий стандартларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактаб таълимида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий-методологик асослари ва мазмунининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш;

умумтаълим мактаб раҳбарларининг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талабларни таълимда маркетинг хизматларини жорий этиш асосида такомиллаштириш;

маркетинг хизматларининг таълимдаги ўрни, тамойиллари ва йўналишлари асосида маркетинг хизматини ташкил этиш ва бошқариш моделини шакллантириш;

маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш орқали умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти ҳамда ташкилий ва таълим-тарбиявий ишлар натижалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш усуллари, шакллари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида диагностика, сўровнома, интервью, моделлаштириш, тажриба-синов, илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув компетенциясига қўйиладиган малака талаблари таркиби таълим маркетинги натижалари асосида раҳбарларда бошқарув қарорларини қабул қилиш кўникмасини киритиш орқали такомиллаштирилган;

мактаб раҳбарлари билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифлари ўқув-тарбиявий, касбий ривожланиш, персонални маркетингга кўра бошқариш ва ҳисоботи, жамоатчилик бўйича бошқарув фаолияти йўналишларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

таълим сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи латент омилларни маркетинг тадқиқотлари орқали аниқлаш ва уларни мактаб бошқаруви маркетинг хизматига татбиқ этишнинг самарадорлиги исботланган;

умумтаълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш таълим жараёнида меҳнат бозори талаблари негизида олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларига тайёргарликни ташкил қилиш, истиқболли касбий режа ва самарали бошқарувни амалга оширишда мақсадли параметрларга эришиш каби мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб раҳбарларини узлуксиз касбий ривожлантириш курсларидаги таълим мазмунига қўйиладиган талаблар ва намунавий ўқув дастури таълимда маркетинг хизматларини комплекс ўрганиш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб раҳбарларига қўйиладиган талаблар асосида «Умумий ўрта таълим мактаби директорининг касб стандарти» ҳамда халқ таълими тизими бўйича «Тармоқ малака рамка»си ишлаб чиқилган;

мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматини ташкил этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар «Умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш» номли методик қўлланма мазмунига сингдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги; илмий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумтаълим муассасаларининг бошқарув жараёнига таклиф этилган модель, механизм ва маркетинг хизматларини жорий этиш асосида самарали бошқарувга эришиш имконияти асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактаб раҳбарлари малака ошириш курсининг намунавий ўқув дастури мазмуни такомиллаштирилиб, ўқув модулига киритилганлиги ҳамда умумий ўрта таълим мактаб директорлари бошқарув фаолиятида меҳнат вазифаларини такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

умумтаълим мактаб раҳбарларини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларида уларнинг бошқарув йўналишлари бўйича компетенцияларини ривожлантиришга оид таклифлари «Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг кадрлар захираси учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсининг намунавий» педагогик технология, дастури ва «Умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш» методик қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2445-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактаб раҳбарларининг «Таълимда маркетинг хизматларини ташкил этиш» модулини ўқитиш юзасидан касбий компетенцияларини шакллантиришнинг ўқув-методик таъминоти яратилган;

мактаб раҳбарлари билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2445-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаб директорларига қўйиладиган талаблар асосида «Умумий ўрта таълим мактаби директорининг

касб стандарти» ҳамда «Халқ таълими тизими бўйича тармоқ малака рамкаси» ишлаб чиқилган;

таълим сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи латент омилларни маркетинг тадқиқотлари орқали аниқлаш ва уларни мактаб бошқаруви маркетинг хизматига татбиқ этиш бўйича таклифлар «Умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш» номли методик қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2445-сон маълумотномаси). Натижада мактабларда ташкил этилган маркетинг хизматлари ва меҳнат бозори талабларини ўрганиш даражасини баҳолаш, кадрлар билан ишлаш, ҳамкорлик муҳитини яратиш ва маркетинг хизматларини бошқариш жараёнлари мониторингини амалга оширишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

умумтаълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклифлар Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 30 дан ортиқ мактаблар фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2445-сон маълумотномаси). Умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда замонавий маркетинг ёндашувини қўллаш Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 30 дан ортиқ мактабларнинг таълимий натижалари самарадорлигининг ошишига эришилиб, умумтаълим мактабларда маркетинг хизматларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш» моделидан фойдаланиш йўлга қўйилишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот доирасида жами 24 номдаги илмий иш, жумладан, 1 та ўқув, 1 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган ва тавсифланган, тадқиқот ишининг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти,

натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маркетинг хизматларини ташкил этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобда маркетинг хизматларини келиб чиқиши, ривожланишининг тарихий босқичлари ёритиб берилди, таълимда маркетинг хизматларининг ўзига хос хусусиятлари ва маркетинг хизматларини ташкил этишнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этишга доир изланишлар асосан олий таълим тизимига қирувчи таълим муассасалари мисолида амалга оширилгани аниқланди. Мазкур изланишларда узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий қисми бўлган ўрта таълим босқичида таълим хизматлари маркетинги муаммолари алоҳида тадқиқот иши сифатида қаралмаган.

Таълимда маркетинг масалаларини муҳокама қилишда унинг қоидалари, тамойиллари, усул ва шакллари ҳақида сўз юритилади.

Бу йўналишдаги тадқиқот ишларининг назарий ва методологик асосларини ўрганиш мобайнида «маркетинг», «таълим хизматлари» тушунчаларига берилган таърифлар даврий равишда ўзгариб турганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, сўнгги йилларда педагогикага оид замонавий адабиётлар ва бошқа манбалардан «ижтимоий маркетинг», «маркетинг тадқиқотлари», «маркетингни бошқариш», «маркетинг назорати» каби тушунчалар муомалага киритилди.

Ушбу атамаларга нисбатан илмий манбаларда берилган фикр ва мулоҳазаларни тадқиқ этган ҳолда, «таълимда маркетинг» тушунчаси мазмуни илмий жиҳатдан асосланди ва қуйидагича таърифи шакллантирилди. Таълимда маркетинг – бу таълим хизматларига бўлган талаб бозорини ўрганиш ва ривожлантиришга, талабга жавоб берадиган таълим муҳитини яратишга ва яратилган таълим муҳитига талабни рағбатлантиришга қаратилган фаолиятдир.

Демак, умумий ўрта таълимда маркетинг хизматлари бошқарув жараёни бўлиб, таълим муассасаларининг маркетинг бозорини ўрганиш, башорат қилиш ва уларнинг ривожланишининг энг истиқболли йўналишларини аниқлашга ёрдам беради ҳамда таълим муассасасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган даражада ривожлантиришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармонида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, узлуксиз таълим сифатини мустақил баҳолаш тизимини шакллантиришга қўмаклашиш ва қўшимча таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, мактабларда таълим хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, халқ таълими бошқаруви соҳасига илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали

механизмларини яратиш лозимлиги таъкидланган. Шу жиҳатдан умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этилганлик даражасига эътибор қаратилди.

Тадқиқот натижаларига кўра маркетинг хизматларини ташкил этиш нуқтаи назаридан унинг компонент (қоидалари, усуллари, шакллари)лари илмий асосланди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлашда, амалдаги ҳолатга кўра умумтаълим мактабларда таълим хизматларини кўрсатишда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, меҳнат бозори талаблари, ҳудуддаги меҳнат тақсимотининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган таълимни ташкил этиш компетенциялари назарда тутилди.

Умумтаълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини турли йўналишларини ифодаловчи кўрсаткичлар, жумладан, мактаб битирувчиларининг таълим сифати даражаси, бандлик кўрсаткичи, кадрлар салоҳияти, муассасанинг моддий-техник базаси кабиларни маркетинг хизматининг мажмуаси белгилайди. Буларнинг барчаси бир бутун тарзда умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш орқали мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида маркетинг хизматларининг умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишига таъсир этиши долзарб муаммо сифатида ўрганилди.

Диссертациянинг «**Умумтаълим мактаб фаолиятини самарали бошқаришда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмлари**» деб номланган иккинчи бобида амалдаги умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти жараёнида маркетинг хизматларини ташкил этиш муаммолари, маркетинг хизматларини ташкил этишда мактаб раҳбарининг ўрни ва аҳамияти, ўрта таълим маркетинг хизматларини бошқаришда хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ва атрофлича таҳлил қилинган. Муаммони таҳлил қилиш мақсадида сўровномалар ишлаб чиқилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг маркетинг хизмати фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари, ўқитувчилари, мактаб ўқувчилари (ва уларнинг ота-оналари) билан ўтказилган интервью ва сўровнома замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда мактабни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқарувдаги мавжуд муаммолари аниқлаш имконини берди.

Сўровнома натижасида умумтаълим мактаб раҳбарларининг 83% ўз муассасасининг рақобатбардош устунликларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш борасида мақсадли ишлар олиб бормасликлари, таълим хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олмасликлари, маркетингни мустақил равишда тўлиқ тушунмасликлари, маркетинг фаолиятини амалга

ошириш дастлабки босқичда эканлиги, умуман олганда, муассасанинг маркетинг фаолиятдан қониқмасликлари аниқланди.

Шунингдек, мактабда маркетинг фаолиятини ташкил этиш бўйича малака ошириш жараёнида тақдим этиладиган маълумотлар ҳажми етарли эмаслиги, асосан назария билан боғлиқ эканлиги, уни ўзлаштириш қийинлиги, берилаётган маълумотлар маркетинг фаолиятининг асосий масалаларини қамраб олмаслиги, амалиёт билан боғлиқ маълумотлар жуда камлиги ва амалий кўникмалар тақдим этилмаётгани сўровнома асосида аниқланди.

Олинган натижалар асосида умумтаълим мактаб раҳбарларини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларида уларнинг бошқарув йўналишлари бўйича компетенцияларини ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган таклифлар «Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг кадрлар захираси учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсининг намунавий ўқув дастури» мазмунига сингдирилиб, умумтаълим мактаб раҳбарларининг малакасини ошириш курсларининг мазмунига «Таълимда маркетинг хизматларини ташкил этиш» модули жорий этилди ва уни ўқитиш юзасидан касбий компетенцияларини шакллантиришнинг методик таъминоти яратилди.

Жавоблар таҳлили умумтаълим мактаб раҳбарларининг маркетинг ва бошқарувга оид билимларини тизимлаштиришда муаммолар мавжудлигини кўрсатди ҳамда таълим хизматлари маркетинги ташкил этиш бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳужжатлар таҳлили ва ўтказилган сўровнома натижалари умумтаълим муассасаси томонидан маркетинг хизматларини амалга ошириш муаммосининг мураккаблигини ва ечим топиш заруратини кўрсатди.

Сўровнома иштирокчиларининг жавоблари асосида умумтаълим муассаса раҳбарларининг бошқарувга оид билим, кўникма ва меҳнат ҳаракатлари аниқлаштирилиб, «Умумий ўрта таълим мактаби директорининг касб стандарти»нинг мазмунига сингдирилган.

Ўтказилган сўровнома натижасида умумтаълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этишда қуйидаги муаммолар аниқланди: таълим хизматлари бозорида рақобатбардош устунликка эришишда мактабларнинг фаолиятини башорат (прогноз) қилиш тажрибаси, таълим муассасани ривожлантиришда тақдим этиладиган таълим хизматларининг режаси йўқлиги; мактаб раҳбарларининг маркетинг хизматларини ташкил этиш ва бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга тайёр эмаслигини; умумтаълим муассасалари нуфузини ошириш бўйича раҳбарларни малакасини ошириш тизими номувофиқлиги. Натижада умумтаълим мактаб раҳбарлари учун маркетингнинг долзарб йўналишлари ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

Умумий ўрта таълим соҳасидаги маркетингни ривожлантириш учун илғор хорижий тажрибани ўрганишнинг аҳамияти жуда катта. Фарбдаги

кўплаб таълим муассасалари ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида узоқ вақтдан буён маркетинг хизматидан фойдаланиб келмоқда.

Тадқиқот иши юзасидан таълимда маркетинг йўналишида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Масалани ўрганиш асосида аниқландики, биринчи навбатда, ривожланган таълим тизимига эга бўлган давлатларда маркетинг жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маркетинг талабни шакллантириш ва ривожлантиришга, уларнинг таклифини оптималлаштиришга, бозор иштирокчилари фаолиятининг энг самарали стратегиясини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга ёрдам беради.

### 1-жадвал.

#### Умумтаълим мактаб раҳбарлари учун маркетингнинг долзарб йўналишлари

Энг долзарб билим ва кўникмалар	Талаб қилинадиган билим ва кўникмалар, лекин барча иштирокчилар томонидан эмас	Бир нечта иштирокчилар томонидан талаб қилинадиган билим ва кўникмалар	Деярли талаб қилинмайдиган маркетингга оид билим ва кўникмалар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- умумтаълим муассасанинг рақобатбардошлиги ва нуфузини ошириш;</li> <li>- таълим хизматлари сифатини таъминлаш ва ошириш;</li> <li>- истиқболли режалаштириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ташкилотчилик компетенциясини ривожлантириш;</li> <li>- инсон ресурсларини бошқариш, жамоани шакллантириш;</li> <li>- ички маркетингни ташкил этиш;</li> <li>- таълим хизматлари истеъмолчилари билан қайта алоқани ўрнатиш</li> <li>- ота-оналарни таълим жараёнига жалб қилиш;</li> <li>- корпоратив бошқарув</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- таълим хизматлари истеъмолчиларини таҳлил қилиш;</li> <li>- маркетинг хизматини ташкил қилиш ва маркетингни бошқариш;</li> <li>- қўшимча таълим хизматларини лойиҳалаштириш ва самарали амалга ошириш;</li> <li>- ўз-ўзини ривожлантиришда АКТдан фойдаланиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш;</li> <li>- бошқарувда АКТдан фойдаланиш;</li> <li>- таълим хизматлари истеъмолчилар билан қайта алоқани ўрнатиш;</li> <li>- корпоратив бошқарув қоидалари ва меъёрларини билиш;</li> <li>- шахсга йўналтирилган маркетинг;</li> <li>- вақтни бошқариш</li> </ul>

Таълим хизматлари маркетинги хорижий мамлакатларда турлича татбиқ этилган бўлиб, меҳнат бозорининг эҳтиёжи, замон талаби ва миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда шаклланган ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва миллий-маданий шароитларни чуқур англашни талаб қилади.

Мазкур таҳлиллардан хулоса қилган ҳолда, ҳар томонлама ривожланган, мустақил ҳаётга тайёр бўлган комил инсонни тарбиялашда миллий маркетинг хизмати тизимини ташкил этиш, таълим муассаса раҳбарлари томонидан маркетинг билимларига бўлган эҳтиёжни англаш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **«Умумтаълим мактаб фаолиятини самарали бошқаришда маркетинг хизматлари механизмини такомиллаштириш»** номланган учинчи бобида маркетинг хизматларини ташкил этишда мавжуд объектив ва субъектив муаммолар, умумтаълим мактабларда олиб борилган тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари, бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этишнинг замонавий механизмлари ва истиқболлари келтирилган.

Тадқиқот юзасидан таълим менежменти назарияси ва амалиёти соҳасида тўпланган илмий база ва илғор хорижий тажрибалар асосида «Умумтаълим мактабларда маркетинг хизматларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш модели» асосланган (1-расмга қаранг).

Моделда умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнидаги маркетинг хизматлари самарадорлигини таъминлашда мактаб раҳбарининг маркетинг хизматлари ташкил этилгунга қадар бўлган даврдаги бошқарув фаолияти таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари асосида умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини самарадорлигини аниқлашнинг асосий усуллари ўқувчи-ёшларнинг натижаларини мониторинг қилиш, яъни таълим сифати ошиши ва битирувчиларни ОТМга кирганлар салмоғи ошиши, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишдан иборат тизим ишлаб чиқилди.

Амалдаги ҳолатга кўра умумтаълим мактабларда маркетинг хизматларини ташкил этишда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, меҳнат бозори талаблари, ҳудуддаги меҳнат тақсимотининг ўзига хос хусусиятлари эътибордан четда қолмоқда. Назаримизда, мактаб раҳбарларининг истиқбол режаларида кутилаётган натижа ва амалдаги ҳолат ўртасида тизимли таҳлил ўтказиш таълим сифати самарадорлигини оширишга ва таълимни узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотда умумтаълим мактабини самарали бошқариш, унинг ички ва атроф-муҳитнинг ўзига хос хусусиятларига жавоб берадиган, ҳам ўқувчиларнинг таълим, тарбия ва ривожланишида янги таълим сифати натижаларига олиб келадиган, ҳам ўзининг ривожланиши, рақобатбардошлиги ва ижтимоий самарага эришадиган бозорга йўналтирилган ташкилот сифатида қаралади.



Умумтаълим мактабининг маркетинг хизмати фаолиятини мониторинги уни ташкил этиш ва ривожланиши асосий истеъмолчилар гуруҳларининг эҳтиёжлари ва кутувларини узлуксиз равишда таҳлил қилиш, улар талаб қиладиган таълимни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, муассасанинг самарадорлигини ошириш, унинг рақобатдош устунликларини шакллантириш, таълим хизматларини тақдим этишни самарали бошқариш орқали мақсадга эришиш, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, ресурсларни ажратиш ва мақсадли бозорни танлаш билан рақобатчиларга нисбатан танланган сегментларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имконини беради.

Тадқиқот мақсадини амалга ошганлик даражасини ўрганиш, умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш жараёнининг ташкилий-бошқарув босқичларини такомиллаштириш йўналишида ташкил этилган тажриба-синов ишлари ҳамда унинг натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари мақсади халқ таълими тизимининг истиқболдаги вазифаларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаб раҳбарларининг маркетинг хизматларини ташкил этиш бўйича муаммоларини аниқлаш, умумий ўрта таълим мактабларида маркетинг хизматларини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича методик ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни учун асос сифатида ишлаб чиқилган маркетинг хизматларини ташкил этиш моделини бошқарув амалиётида синаб кўришдан иборат этиб белгиланди.

Умумтаълим мактаб раҳбарларини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларида уларнинг бошқарув йўналишлари бўйича компетенцияларини ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган таклифлар «Умумий ўрта таълим мактаб директорлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернати, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг кадрлар захираси учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсининг намунавий ўқув дастури» мазмунига сингдирилиб, умумтаълим мактаб раҳбарларининг малакасини ошириш бўйича «Таълимда маркетинг хизматларини ташкил этиш» номли курс режаси ишлаб чиқилди ва ўқув тренинг шаклида ўтказилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаб раҳбарларининг маркетинг хизматларини ташкил қилишда бошқарув самарадорлигини такомиллаштиришга оид тавсиялар «Умумий ўрта таълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш» номли методик қўлланма мазмунига сингдирилиб, мактабларда ташкил этилган маркетинг хизматлари даражасини баҳолаш, меҳнат бозори талабларини ўрганиш, кадрлар билан ишлаш, ҳамкорлик муҳитини яратиш ва маркетинг хизматларини бошқариш жараёнлари мониторингини амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва таълим амалиётига татбиқ этилди.


Тажриба-синов ишларида жами 202 та умумтаълим мактаб раҳбарлари қатнашди. Шундан тажриба гуруҳида 95 та ҳамда назорат гуруҳида 107 та респондент иштирок этди (2-жадвалга қаранг).

**Таълим хизматлари маркетингини ташкил этишда мактаб раҳбарларининг бошқарувга оид компетенцияларини ўзгариш динамикаси**


Муддати	Гуруҳлар	Респондентлар сони	Бошқарув компетенция даражаси:		
			таянч	ўрта	юқори
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	95	41	39	16
	Назорат гуруҳи	107	46	35	26
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	95	9	30	56
	Назорат гуруҳи	107	46	35	26

Таълим хизматлари маркетингини ташкил этишда умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг бошқарув компетенциясини шаклланганлик даражасини аниқлаш учун ўтказилган тажриба синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришлари Стьюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математика-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Иккинчи жадвал кўрсаткичларига асосан таълим хизматлари маркетингини ташкил этишда умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни қуйидаги диаграммаларда акс эттирамиз (2-расмга қаранг).



Тажриба бошида



Тажриба якунида

**2-расм. Маркетинг хизматларини ташкил этишда мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ўзгариш динамикаси.**

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба-синов якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиши, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари,

Стьюдентнинг танланма мезони, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари аниқланди.

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_m$	$\Delta_n$
1,92	1,91	Тажрибадан олдин самарадорликка эришилмаган								
2,52	2,08	0,4035	0,6491	1	2	12,52	486,8	42,75	0,04	0,19

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаймиз.

Маълумки,  $\bar{X} = 2,52$ ;  $\bar{Y} = 2,08$ ;  $\Delta_m = 0,04$ ;  $\Delta_n = 0,19$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_T)}{(\bar{Y} + \Delta_H)} = \frac{2,52 - 0,04}{2,08 + 0,19} = \frac{2,48}{2,27} = 1,09 > 1;$$

$$K_{\text{бдб}} = (\bar{X} - \Delta_T) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (2,52 - 0,04) - (2,08 - 0,19) = 2,48 - 1,89 = 0,59 > 0;$$

Амалга оширилган тажриба-синов ишларидан “Таълим хизматлари маркетингини ташкил этиш технологияси” номли тренинг дастури ғояларининг амалиётга мослигини ва респондент-раҳбарлар томонидан таълим хизматлари маркетингини ташкил этишга йўналтирилган технологияларидан фойдаланиш натижасида бошқарув самарадорлигининг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезоннинг нолдан катталигини кўриш мумкин. Яъни, тажриба гуруҳида қайд этилган натижалар назорат гуруҳи натижаларидан 17,5 % га юқори эканлиги маълум бўлди.

Демак, умумий ўрта таълим мактабларида маркетинг хизматларини ташкил этиш жараёнига киритилган ўзгаришларнинг мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти ва таълим самарадорлигига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

## ХУЛОСА

«Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этиш механизмининг такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган илмий-назарий ва услубий-амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларининг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, ҳаётий мақсад ва режалари етарли даражада ўрганилмаганлиги бугунги кунда халқ таълими тизимининг ўта долзарб масаласи ҳисобланиб, умумий ўрта таълимда маркетинг хизматларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш заруратини илгари сурмоқда.

2. Тадқиқот юзасидан ўтказилган таҳлилларга кўра умумтаълим муассасаларида маркетинг хизматларини ташкил этиш бўйича адабиётларда камчиликлар мавжудлиги аниқланди ҳамда маркетингнинг вазифалари таҳлили асосида «таълимда маркетинг» тушунчаси мазмуни илмий жиҳатдан асосланди.

3. Умумий ўрта таълим тизимида давр талабларига тўла жавоб бера оладиган, рақобатбардош ва малакали раҳбар кадрларга ортиб бораётган эҳтиёж, уларнинг

бошқарув компетенцияларини доимий такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Шундан келиб чиқиб, халқаро тажрибалар маркетинг хизматларини жорий этиш орқали умумий ўрта таълим тизимида бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

4. Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятига маркетинг хизматларини татбиқ этиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари қуйидаги ижобий натижаларни берди: мактабнинг рақобатбардошлилиги ошди, у спирал бўйлаб ривожланди, яъни таълим натижаларига қизиққан ўқувчиларнинг оқими битирувчиларнинг билим сифатини оширди, бу эса, ўз навбатида, мактабга бўлган талабларни ошириб, натижада мактаб тобора қобилятли ўқувчилар билан тўлдирилди, мактабни ривожлантириш учун мотивация кучайди ва яна унинг рақобатбардошлилиги ошди. Бунга мувофиқ умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлиги таълимда маркетинг хизматларининг жорий этилганлиги даражасига тўғри пропорционал, ва аксинча эканлигини таъкидлаш мумкин.

5. Умумтаълим мактаб битирувчиларининг келажак мақсадлари, режалари, касб танлашига доир эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни қондириш халқ таълими тизимини самарадорлигининг якуний натижаси сифатида давлат талабларини таъминлаш орқали таълим олувчилар эҳтиёжларига жавоб берадиган маркетинг хизматлари даражасида намоён бўлади.

6. Умумий ўрта таълим тизимида маркетинг хизматлари таълим хизматларига бўлган бозор талабини ўрганиш, таълим муҳитининг ўқувчига мос келадиган мақсад ва вазифаларини белгилаш, маркетингни режалаштириш, натижаларни реклама қилиш ва маркетинг хизматини ташкил этиш талабини рағбатлантириш, мақсад ва назорат натижасининг мувофиқлигини таҳлил қилиш, номувофиқликларни коррекциялаш ва бошқариш жараёнларидан иборат.

7. Халқаро амалиётида умумий ўрта таълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолиятига қўйилган талаблар уларнинг касбий стандартларида белгиланган. Бу эса халқ таълими тизими раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйилган талаблар касбий стандартларда назарда тутилган меҳнат вазифаларига мос бўлиши лозим. Тадқиқот натижасида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг касбий стандартини амалиётга татбиқ этиш зарурати илмий жиҳатдан асосланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги тавсияларни тақдим этамиз:

1. Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув компетентлигини баҳолашда маркетинг хизматларининг татбиқ этилганлик даражасини инобатга олиш.

2. Умумтаълим мактаб раҳбарларини узлуксиз касбий ривожлантириш курсларида маркетинг хизматларини ташкил этиш йўналишида ўқув семинар ва курсларни ташкил этиш орқали уларнинг малакаларини ва бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш.

3. Умумтаълим мактаб раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг хизматларини ташкил этишга асосланган замонавий бошқарув механизмларини амалиётга жорий этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ИЗУЧЕНИЯ ПРОБЛЕМ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ  
ПЕРСПЕКТИВ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ИМЕНИ А. АВЛОНИ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИЗУЧЕНИЯ  
ПРОБЛЕМ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПЕРСПЕКТИВ НАРОДНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ ИМЕНИ А. АВЛОНИ**

**ЭРМЕТОВА НАРГИЗА КОМИЛЬДЖАНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА ОРГАНИЗАЦИИ  
МАРКЕТИНГОВЫХ УСЛУГ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ  
УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ  
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ**

**13.00.07 – Менеджмент в образовании**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ  
НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Ped2651.

Докторская диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте изучения проблем и определения перспектив народного образования имени А.Авлони.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)), а также на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

**Пахрутдинов Шукритдин Илёсович**  
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Халиков Аъзамжон Абдусаломович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Назарова Фотима Хакимовна**  
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

**Чирчикский государственный педагогический институт**  
Ташкентской области

Защита диссертации состоится «23» декабря 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.28/3012.2019. Ped.68.01 по присуждению ученых степеней Научно-исследовательского института изучения проблем и определения перспектив народного образования имени А.Авлони (Адрес: 100095, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, дом 6.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за № 1564/28 Научно-исследовательского института изучения проблем и определения перспектив народного образования имени А.Авлони. Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, дом 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69


Автореферат диссертации разослан «10» декабря 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 14 от 10.12 2021 года).



  
**М.А. Юлдашев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

  
**Ф.Э. Каримов**  
Учёный секретарь Научного по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., доцент

  
**М.Т. Мирсолиева**  
И.о. председателя научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На современном этапе развития системы образования в мире в экономически развитых странах важное значение придается организационному соответствию и стратегическому развитию образовательным учреждениям. Особенно в современных условиях система образования как никогда больше должна учитывать возможности и потребности личности. Данная необходимость обусловлена растущей потребностью в конкурентоспособных и квалифицированных управленческих кадрах в системе среднего образования, необходимостью постоянного совершенствования их управленческих компетенций. Исходя из этого, международный опыт диктует необходимость внедрения эффективных механизмов управления в системе общего среднего образования путем внедрения маркетинговых услуг.

Сегодня ведущие страны мира проводят различные научно-исследовательские работы, направленные на повышение конкурентоспособности образовательных учреждений за счет стратегического планирования и управления образовательными услугами, основанными на потребностях и требованиях лиц, получающих образование. Исходя из современных тенденций данных исследований, особое внимание уделяется вопросам повышения эффективности управленческой деятельности руководящих кадров путём совершенствования маркетинговых услуг в общеобразовательных школах.

Обеспечение эффективности радикальных изменений и реформ, проводимых в нашей стране для построения фундамента Нового Узбекистана и Третьего Ренессанса, зависит от «внедрения эффективных механизмов управления системой народного образования»<sup>1</sup>. В настоящее время постоянное развитие экономики республики стабильными темпами требует на практике перехода к этапу системного непрерывного прогресса, основанного на повышении инновационной активности хозяйствующих субъектов. Данный процесс находит отражение в показателях изменений в образовательной структуре экономики, а также в условиях действия рыночных отношений возникает объективная необходимость реструктуризации услуг сферы образования. Соответственно, маркетинговые услуги направлены на реализацию таких важных задач, как «...целенаправленное воспитание молодежи, отбор ее со школьного периода, внедрение эффективного механизма дальнейшего поступления в высшие учебные заведения, внедрение совершенно новых подходов к образовательному процессу в системе народного образования»<sup>2</sup>. Эти задачи требуют внедрения деятельности маркетинговых служб в школьное

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года».

<sup>2</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на заседании видеоселектора, посвященного «Вопросам развития системы народного образования, повышения профессионального уровня и престижа учителей в обществе, повышения духовности подрастающего поколения». Протокол № 34 Администрации президента Республики Узбекистан от 23 августа 2019 года.

образование, совершенствования организационно-управленческих механизмов в общем среднем образовании.

